

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҶТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

## МАРКЕТИНГ

йўналиши

“МАРКЕТИНГ ТАДЌИҚОТЛАРИ”

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2016

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2016 йил 6 апрелидаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва  
дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчилар:** ТДИУ катта ўқитувчиси Зуфарова Н.  
Таржимон: ТДИУ катта ўқитувчиси Шакирова Д.

**Тақризчилар:** PhD. Elisabetta Strozzi – Тадқиқот ва  
ривожлантириш маркази бўлим бошлиғи  
(Италия).

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Кенгашининг 2016 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_-сонли қарори билан нашрга тавсия  
қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

I. Ишчи дастур .....	4
II. Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари .....	10
III. Назарий материаллар .....	16
IV. Амалий машғулот материаллари.....	53
V. Кейслар банки .....	82
VI. Мустақил таълим мавзулари .....	103
VII. Глоссарий.....	105
VIII. Адабиётлар рўйхати .....	125

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### КИРИШ

Мазкур ишчи дастур иқтисодиёт соҳаси қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари учун хорижий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ва Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастурга мувофиқ шакллантирилган.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг устувор вазифаси малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларида тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат. Замонавий ўқитиш технологияларига илмий жиҳатдан методик ёндашувлар тингловчиларнинг касбий маҳорати, дунёқарашини жадал шакллантиради ҳамда замонавий билимларини тез ва мустаҳкам ўзлаштиришларига замин яратади.

Педагог ва раҳбар кадрларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлигини ошириш долзарб масалалар қаторига киради. Айнан бундай муҳитнинг яратилиши тингловчининг малака ошириши бўйича талабларга мослигини тавсифловчи педагогик ҳамда дидактик тамойилларга нисбатан аниқ мезонларни амалга оширилишига хизмат қиласи. Тингловчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича компетентлиги таълим олувчининг юқори мотивацияси, шахснинг қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилганлиги, мулокотга нисбатан етарлича юқори қобилияти, ўз хатоларини тузатиб бориши, ўзини-ўзи ривожлантириш бўйича интилиши, тингловчининг ташқи таълимий ахборотларга нисбатан ички шахсий талабларининг мослигини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллашишига хизмат қиласи.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Маркетинг тадқиқотлари” модулининг **мақсади** - педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларида маркетинг тадқиқотлари, унинг турлари, элементлари, маркетингни тадқиқотларини ташкил этиш, корхона маркетинг, маркетинг ахборот тизими, маркетинг тадқиқотларида бозор конъюнктурасини тадқиқ этиш бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малака шакллантиришдир.

“Маркетинг тадқиқотлари” модулининг **вазифалари** тингловчиларда:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларда, ҳозирги тез ўзгариб борувчи, юқори ноаниқлик, юқори эҳтимоллилик, юқори таваккалчилик шароитида оқилона бошқарув қарорларини қабул қилиш,

- маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усулларини,
- маркетинг ахборот тўплаш услубларини,
- маркетинг тадқиқотларидан фойдаланиш кабиларни ўргатишдан иборатdir.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникама ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

«Маркетинг тадқиқотлари» курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- маркетинг тадқиқотларининг назарий ва услугий асосларини;
- маркетинг ахбороти тизимини; ички ва ташки муҳит ҳақида,
- истеъмол бозорида харидор хулқ атвори ҳақида,
- бозор имкониятлари,
- тадқиқотлари йуналишлари ва услубларини ҳақида,
- бозорга чиқишининг шакл ва усулларини;
- бозор кенглиги ва талабни башорат қилишни;
- бозор конъюнктураси тадқиқотларини, товар сиёсатини **билиши** керак;

#### **Тингловчи:**

- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш;
- маркетингнинг ривожланиш концепцияларини қўллай олиш;
- маркетинг тадқиқотларини вазифалари, яъни бозорни комплекс ўрганиш, товар ассортиментини, товар ҳаракатини тадқиқ этиш;
- баҳо сиёсатини, реклама фаолиятини ўрганиш;
- бозор ҳажмини аниқлаш, бозорнинг ўзига хос томонлари ва унинг элементларини тадқиқ этиш;
- товар ва товар сиёсати, товарларга қўйиладиган талабларни тадқиқ этиш **кўникмаларига** эга бўлиши керак;

#### **Тингловчи:**

- маркетинг тадқиқотларини таснифлаш ва амалий фаолиятда фойдаланиш;
- товар, нарх, сотиш, реклама, коммуникация сиёсатини юргизиш;
- бозорни сегментлаш, баҳоларни шакллантириш;
- истеъмолчиларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш;
- маркетингни режалаштириш;
- товар ва хизматлар сотилишини кенгайтириш;
- товарлар ассортиментини режалаштириш, бозор сифимини аниқлаш ва ҳисоблаш маркетинг тадқиқотларини самарадорлигини баҳолаш;
- бозор кенглиги ва талабни башорат қилиш каби **малакаларига** эга бўлиши керак.

## **Тингловчи:**

- жаҳондаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва олинган хулосаларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бера олиш ҳамда иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- маркетинг таҳлиллари асосида корхоналар маркетинг стратегияси дастурларини ишлаб чиқиши;
- маркетингдаги инновацион технологияларни корхоналар фаолиятида қўллаш;
- товар ва хизматлар сотилишини кенгайтириш имкониятлари ва уни рақобатга бардош бера олиш усул ва йўлларини аниқлаш;
- замонавий маркетинг тадқиқотларини корхоналарда татбиқ эта олиш **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

## **Модулни ташкил этиш ва ўтказиши бўйича тавсиялар**

“Маркетинг тадқиқотлари” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Ўқув жараёнида таълимнинг интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситалари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида ақлий ҳужум, кутиш йўлдоши, концептуал жадвал, ўйланг-жуфтликда ишланг-фикр алмашинг каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларидан;

- амалий машғулотлarda баҳс-мунозара, тушунчалар таҳлили, пинборд, ақлий ҳужум, кейс, гуруҳларда ишлаш, SWOT- таҳлил жадвал, Т-жадвал каби интерфаол ўқитиш метод, шакл ва воситаларни қўллаш назарда тутилади.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги ушбу ўқув фани “Маркетингни бошқариш”, “Маркетингни долзарб муаммолари” ва бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорликда ўрганилади. Ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

## **Модулнинг Олий таълимдаги ўрни**

Хозирги вақтга келиб, Олий таълимда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда янги турдаги ўқув жараёнларини ташкиллаштиришда, айнан ушбу ўқув модули катта аҳамиятга эгадир.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

№	Мавзу	Жами	Маъруза	Амалий (Амалий машғулот)	Муста қил иш
1.	Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуби	4	2	2	
2.	Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари	4	2	2	
3.	Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш	10	2	4	4
4.	Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими	4	2	2	
5.	Бозор кенглиги ва уни башорат қилиш	6	2	4	
<b>Жами</b>		<b>28</b>	<b>10</b>	<b>14</b>	<b>4</b>

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуби.**

Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари, курс тузилмаси. Маркетинг тадқиқотлари тушунчаси ва концепцияси. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари. Маркетинг таҳлили ва тадқиқотининг тасниви. Маркетинг таҳлил ва тадқиқотнинг стратегияси ва унинг амалга оширилиши. Маркетинг таҳлилиниң бажарилиш тартиби - кетма-кетлиги. Маркетинг таҳлили. Ички-ташқи маркет алоқалари. Маҳсулотнинг ҳаёт цикли модели. Маҳсулотнинг ҳаёт циклининг талаб башоратига алоқаси. Маркетинг стратегиясининг ривожлантириш. Маркет улушкини аниқлаш. Маркетинг дастурини дизайнни. Савдо дастурини ривожлантириш. Бозор муҳитини ўрганиш. Харидор эҳтиёжларини ўрганиш.

#### **2- мавзу: Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.**

Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси. Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари. Талабни тадқиқ этиш. Эҳтиёжларнинг талабга айланиши. Якка талаб. Талабнинг баҳога боғлиқлиги. Талаб қонуни. Талаб эластиклиги. Заарсизлик нуқтаси. Таклифни тадқиқ этиш. Таклиф қонуни. Нархнинг таклифга таъсири. Таклиф эластиклиги.

#### **3- мавзу: Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш.**

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш. Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси. Аниқ талаб. Талабнинг 7 элементи. Талаб

таснифи. Талаб атамаси. Талаб аниқловчилари. Талаб ва таклиф алоқаси. Талаб ва таклиф тенглиги. Таклиф таҳлили. Бозор улуси. Ўсиш имкониятларини излаш. Харидор гурӯҳи ёки аҳоли қатлами. Географик территория. Вақт оралиғи. Бозор мұхити. Харидор товарлари ва ишлаб чиқарувчи товарлар. Доимий ва доимий бўлмаган товарлар. Ўз-ўзини бошқарувчи талаб ва келтириб чиқарилган талаб. Шахсий талаб ва бозор талаби. Эффектив талаб. Беркитилган талаб. Қондирилмаган талаб. Потенциал бозор. Макро мұхит. Физик мұхит. Ўзаро боғланган саноат холати. Ички талаб.

#### **4- мавзу: Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.**

Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими. Ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими (МАТ). Ташқи ва ички ахборот олиш манбалари. Ахборотларнинг даврийлиги. Интеллектуал тизим. Ижтимоий-иктисодий ахборотлар. Шахсий интервью. Гурухли интервью. Рақобатчилар фаолияти түғрисидаги маълумотлар. Ахборотларни йиғиши, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш. Ахборотларни узатиш.

#### **5- мавзу: Бозор кенглиги ва уни башорат қилиш.**

Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор салоҳияти тушунчаси. Бозорни башорат қилиш услуби. Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор кенглигини ифодаловчи меъёрий белгилар. Башорат қилиш жараёни босқичлари. Башорат қилиш обьекти. Башорат қилишнинг экстрополяция услуби. Башорат қилишнинг интерполяция услуби. Иқтисодий-математик услублар. Таркибий моделлаштириш. Бозор салоҳияти тушунчаси. Бозорни башорат қилиш услуби.

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1- амалий машғулот: Маркетинг тадқиқотларининг предмети ва услуби.**

Ўкув фанининг мақсад ва вазифалари. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуби. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

#### **2- амалий машғулот: Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.**

Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси. Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари.

### **3- амалий машғулот: Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш.**

Маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш. Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси.

### **4- амалий машғулот: Маркетинг тадқиқотиларида ахборотлар тизими.**

Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими. Ахборотларни йифиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш.

### **5- амалий машғулот: Бозор кенглиги ва уни башорат қилиш.**

Бозор кенглиги тушунчаси ва уни ифодаловчи хусусиятлар. Бозор салоҳияти тушунчаси. Бозорни башорат қилиш услуби.

## **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қуйидаги:

→ ўқув ишини ташкиллаштиришининг интерфаол шаклларидан: бинар-маъруза, провакацион-маъруза, савол-жавобли маъруза, сұхбат-маърузалар орқали ташкиллаштириш назарда тутилган.

→ ўқув фаолиятини ташкил этиши шакллари сифатида қуйидагилардан фойдаланиши назарда тутилган:

- маъруза машғулотларида оммавий, жуфтлик, индивидул;
- амалий машғулотларда гурухли, жамоавий, жуфтлик, индивидуал.

## **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:


№	Баҳолаш турлари	Энг юқори балл	Изоҳ
1.	Кейс – стадини ечиши	1,5 балл	Вазиятни тўғри таҳлил қилиш, муаммоларни, сабабларини тўғри аниқлаш, муаммолар бўйича ўзининг хulosаларини бериши баҳоланади.
2.	Мустақил иш топшириғи	1 балл	Танланган мустақил иш мавзусининг ёритилиш даражаси, керакли ахборотларнинг тўғри танлангани, мавзу бўйича шахсий хulosаларнинг ёритилиши баҳоланади.
	Жами	2,5 балл	

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### Т-схемаси

**Методнинг мақсади:** Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

**Амалга ошириш тартиби:**



**Намуна:** Маркетинг тадқиқотларида корхонанинг маркетинг ташқи муҳити омиллари

### Т-схемаси

Афзалликлар	Камчилиликлар
Фан-техника ютуқлари: янги материал ва технологияларнинг пайдо бўлиши; фан-техника тараққиётининг ўсиш суръати; фан ва таълимга киритилувчи инвестицияларнинг ўсиши.	Янги технологияларнинг етишмовчилиги ва молиявий жиҳатдан қимматлиги; янги товарлар ишлаб чиқариш учун илмий кашфиётлар камлиги; Инвестицияни жалб қила олмаслиги.
Табиий омиллар: моддий ресурслар	Турли иқлим хусусиятлари; айрим

кўплиги, географик иқлими яхшилиги; ер ресурсларидан фойдаланиш.	ресурсларнинг етишмаслиги; денгиз портлари, транспорт тармоқлари ва энергия манбаларидан узоклик.
Иқтисодий омиллар: иқтисодиётнинг ўсиш суръати; аҳолининг турмуш тарзи, хомашё етарлилиги; жамғармалар, кичик бизнесни ривожланиши.	Инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, кредитларнинг очиқлиги, аҳолининг харид лаёқати, иқтисодий цикллар.
Маданий омиллар: хулқ-автор меъёрлари; таълим ва маданият даражаси, диний омиллар, санъатининг ривожланиши; китобларга бўлган эътибор кучайганлиги.	Таълим соҳасидаги сустлик, овқатланиш ва кийиниш этикаси; бир-бирига хурмат; қизиқтириш ва рағбатлантириш камлиги.

## Вени Диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасаввурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурӯхларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурӯх аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалashiб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

## **Намуна: Таъминотчилар ва рақобатчилар бўйича Венна Диаграммаси**



## **«Синквейн» техникаси**

**Методнинг мақсади:** Маркетинг тадқиқотлари усуллари қўламига тавсиф берилади.

**Амалга ошириш тартиби:**

- 1-қатор – тушунча
- 2-қатор – ушбу тушунчага 2 та сифат келтиринг
- 3-қатор – ушбу тушунчага 3 та кесим келтиринг
- 4-қатор – ушбу тушунчага 4та сўздан иборат ибора келтиринг
- 5 -қатор – ушбу тушунчанинг синонимини келтиринг.

## **Намуна:**

1. Маркетинг тадқиқотлари
2. Бирламчи, иккиламчи ахборотлар тўпланади
3. Тўпланади, ташкиллашибди, таҳлилланади.
4. Ахборотлар корхоналар учун тўпланади.
5. Маълумотлар.

## “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмок, таҳлил қилмок) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитиши амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижা (What).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
<b>2-босқич:</b> Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғини белгилаш	✓ индивидуал ва грухда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	✓ индивидуал ва грухда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва грухда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиха тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

**Кейс:** Минтақанинг янги қўриқлаш ва ёнғиндан сақлаш электрон сигнализация тизими бозорида сотувнинг 30 фоизини таъминловчи фирма яқин икки йилга бозордаги талаб ва тўйинганлик даражасининг башорат қийматларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказди. Тадқиқот натижалари жадвалда келтирилган. Бозорнинг тўйинганлиги амалда ўрнатилган тизимларнинг янги маҳсулотдан потенциал фойдаланувчилар умумий сонига нисбати (%) сифатида акс эттирилган (мос келувчи йил учун).

Кўрсаткичлар	2010й.	2011й.	2012й.	2013й.	2014й.
Ўрнатилган тизимлар сони, дона.	67	269	1806	4600	11655
Бозорнинг тўйинганлик даражаси, %	0,08	0,33	2,08	5,61	14,39

### **Кейсни бажариш учун топшириқлар:**

- а) мазкур турдаги товарларга бўлган талаб динамикаси характери қандай?
- б) яқин икки йилда талабнинг ўсиши барқарор бўлишидан умид қилса бўладими?
- в) фирма бозорнинг мос келувчи секторида сотув ҳажмини 40% оширишни режалаштираётган бўлса, бир йилдан сўнг фирма ишлаб чиқарувчи янги маҳсулот ҳажми қандай бўлиши лозим?
- г) фирмада қандай маркетинг стратегиясини жорий қилиш лозим?

### **«ФСМУ» методи**

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### **Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фикрингизни баён этинг</li> </ul>
С	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг</li> </ul>
М	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг</li> </ul>
У	<ul style="list-style-type: none"> <li>• фикрингизни умумлаштиринг</li> </ul>

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки грухий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

### **Намуна.**

**Фикр:** “Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда бирламчи ахброт ресурсларидан фойдаланиш кўпроқ самара беради”.

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуби.

Режа:

1.1. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари.

1.2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуби.

1.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

**Таянч иборалар:** Маркетинг таҳлили ва тадқиқотининг таснифи. Маркетинг таҳлил ва тадқиқотнинг стратегияси ва унинг амалга оширилиши. Маркетинг таҳлилиниң бажарилиши тартиби - кетма-кетлиги. Маркетинг таҳлили. Ички- ташқи маркет алоқалари. Маҳсулотнинг ҳаёт цикли модели. Маҳсулотнинг ҳаёт циклининг талаб баҳоратига алоқаси. Маркетинг стратегиясининг ривожлантириши. Маркет улушини аниқлаш. Маркетинг дастурини дизайнни. Савдо дастурини ривожлантириши. Бозор муҳитини ўрганиши. Харидор эҳтиёжларини ўрганиши.

#### 1.1. Ўқув фанининг мақсад ва вазифалари.



“Америка маркетинг ассоциацияси томонидан берилган маркетинг тадқиқотларининг расмий таърифи маркетинг тадқиқотлари амалиёти кесимида келтирилади.

Америка маркетинг ассоциацияси:

Маркетинг тадқиқотларининг янги таърифи

Америка маркетинг ассоциациясининг директорлар кенгashi маркетинг тадқиқотларининг янги таърифини маъқуллади. Маркетинг тадқиқотлариниг функциялари харидорлар, клиентлар ва ишлаб чиқарувчи жамоа билан маълумот ёрдамида алоқани ўрнатиш ва уни қуидагиларда ишлатиши:

- Маркетинг имкониятлари ва муаммоларини аниқлаш ва таърифлаш;
- Маркетинг фаолиятини ишлаб чиқариш, такомиллаштириш ва баҳолаш;
- Маркетинг фаолиятини самарасини мониторинг қилиш;
- Маркетинг тушунчасини яхшилаш.

Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш жараёнida юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни хал қилиш, маълумот тўплаш услубиятини ишлаб чиқиш.

Маълумотларни йиғиш, натижасини мухокама қилиш, хулосаларни умумлаштириш ва таклифлар бериш учун кераклик маълумотлар аниқланади.

2003 йилда Америка маркетинг ассоциацияси маркетинг Повер веб сайтини яратди. Ушбу вебсайтда профессионал маркетолог мутахассислар маркетингда мутахассислик карьераси, маркетингдаги илғори усулларига бағишенланган мақолаларни ўқишиш ва унинг сўнгги тенденциялари билан танишиш каби саволлар хақидаги маълумотлар билан танишишлари мумкин бўлади.

Ўқув мақсадида биз, қарор қабул қилишда маълумотга муҳтожликнинг аҳамияти айниқса кераклик деб ўйлаймиз ва шунинг учун маркетинг тадқиқотларига қўйидаги таърифни берамиз.

Маркетинг тадқиқотлари – маркетинг муаммоларини идентификация самараси ва ечимини кўтариш ва маркетинг имкониятларидан фойдаланиш учун систематик ва объектив аниқлаш, маълумотларни йиғиш, мухокама қилиш, тарқатиш ва фойдаланишни билдиради.

Шу таърифнинг баъзи аспектларида чуқурроқ тўхталамиз. Маркетинг тадқиқотлари тизимли деб характерланади. Бу унинг маркетинг тадқиқотларининг хамма босқичларида логик, қатъий фаолият режими кераклигини билдиради. Хар бир босқичдаги фаолияти методологик асосланган, яхши хужжатлаштирилган ва имкон қадар юқори режелаштирилган бўлиши керак.

Маркетинг тадқиқотларида олдинга сурилган фикр ва гипотезаларни текшириш учун билишнинг илмий усули олдиндан кўра билиш йиғими ва маълумотлар мухокамасидан фойдаланилади.

Маркетинг тадқиқотларининг вазифаси ишнинг хақиқий холатини кўрсатувчи аниқ объектив маълумот бериш. Улар холис ўтказилиши шарт. Тадқиқотларда доимо тадқиқотчиининг фикри муҳрлансада, у тадқиқотчининг ёки раҳбариятнинг шахсий ёки сиёсий қарашлардан холи бўлиши керак. Шахсий ёки сиёсий фойдани назарда тутган тадқиқот профессионал нормаларни бузади. Хар бир маркетинг тадқиқотчисининг шиори хақиқат ва хақиқатдан бошқа хеч нарса бўлиши керак.”<sup>1</sup>

## **1.2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва услуби.**

“Муаммоларни аниқлаш учун маркетинг тадқиқотлари хозирча очилмаган ёки келажакда пайдо бўлиши мумкин муаммоларни аниқлаш учун ишлатилади. Бунга бизнесда бозор потенциали, бозор улуши, компаниянинг савдо маркаси ёки савдо имиджи, бозор характеристикаси, шунингдек, савдо анализи, қисқа муддатли прогнози, узоқ муддатли прогнози ва тенденцияларни ўрганиш киради.

Маркетинг тадқиқотларни ўтказган компанияларни ўрганиб чиқиши шуни кўрсатадики, уларнинг 97 % бозор потенциали, бозор улуши ва бозор характеристикасини ўрганишга қаратилади. Улардан 90% га яқини муаммони ўрганиш учун бошқа турдаги тадқиқотлар хам ўтказилганилигини айтилган.

<sup>1</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2014, p 6-7.

Бундай тадқиқотлар маркетинг мұхитини ва муаммони диагностика қилишга ёрдам бериш хақидағи информацияни күрсатади. Масалан, бозор потенциалининг тушиши фирма үз олдига қўйган ўсиш стратегияси билан боғлиқ муаммога дуч келиши мүмкінлігин күрсатади. Шундай ҳолат агар бозор потенциали ўсиб фирма унда үз улушини ёқотса ҳам рўй беради. У ёки бу иқтисодий, ижтимоий ёки маданий тенденцияларининг, харидор муюмаласидаги ўзгариши кабиларнинг аникланиши хам муаммо борлиги ёки пайдо бўлишини күрсатади. Муаммо ёки пайдо бўлиш имкони аникланиши билан уни хал этиш йўлларини аниклаш учун муаммони хал этиш маркетинг тадқиқотлари ўтказилади.

Унинг натижалари маркетинг комплексининг у ёки бу компонентларига тегишли бўлган аниқ муаммоларни ечимида фойдаланилади. Кўп компаниялар муаммоларни ечиш тадқиқотларини ўтказадилар. 1.1- Жадвалда турли муаммолар, уларни ечими учун сегментация, товар, нарх, юрғизиш ва товар дистрибуциясини тадқиқотини үз ичига олган тадқиқотлар ўтказилади.

Маркетинг тадқиқотлари иккита асосий турдаги классификацияси амалий ва назарий томондан хам фойдалидир. Муаммони аниклаш тадқиқоти ва муаммони ечими тадқиқоти доимо бирга бўлади ва уларни битта маркетинг тадқиқотига бирлаштириш мумкин. Бу ИБМ компанияси намунасида яхши кўринади. Маркетинг тадқиқоти асосида Ослинекс бошқарувидаги компьютер менфреймларига талаб катта эканлигини аниклади (тадқиқот тури муаммони аниклаш). Кейинги тадқиқотлар натижаси (тадқиқот тури муаммолар ечими) бозорга янги турдаги компьютерлар келишига олиб келди.”<sup>2</sup>


## 1.1. Жадвал.

### Муаммо ечими учун маркетинг тадқиқотлари

Сегментация ўтказиш учун тадқиқот
Сегментация қретерияларини аниклаш
Бозор потенциали ва турли сегментларга реакцияларни аниклаш
Мақсадли бозор ва харидорларнинг ҳаёт тарзи демографик профелини аниклаш
Оммавий информация воситаси характеристикаси
Товарнинг имиджли характеристикаларини танлаш
<b>Товар стратегиясини ишлаб чиқариш учун тадқиқот</b>
Товар таснифини тестдан ўтказиш
Товар дизайнини аниклаш
Қадоқлашни текшириш
Товар модификацияси
Савдо маркасини позициялаш ва қайта позициялаш
Бирламчи маркетинг

<sup>2</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2014, p 13.

Савдо давомида назоратли синов
<b>Баҳо стратегиясини ишлаб чиқариш тадқиқоти</b>
Савдо маркасини танлашда баҳонинг ахамияти
Нарх сиёсати
Махсулот линиясининг нархи
Товарнинг нархга эластиклиги
Нарх ўзгартиришларни киритиш ва уларинг таъсири
<b>Юргизиш стратегияисни ишлаб чиқариш тадқиқоти</b>
Юргизишнинг оптимал бюджети
Юргизишнинг оптимал комплекси
Юргизишнинг ўзаро алоқаси
Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш қарори
Креатив ғоядаги рекламалар назорати
Рекламалар самарасининг нархи
Дистрибьютор стратегиясини ишлаб чиқариш тадқиқоти
Дистрибьютор турини аниқлаш
Дистрибьютор каналларига иштирокчиларнинг муносабати
Дистрибьютор каналларининг имконият чегаралари
Улгуржи ва чакана магазинларнинг жойлашиши



“Маркет таҳлилиниң бажарилиш тартиби - кетма- кетлиги. Бу жараён – проект маҳсулотни хозир мавжудлиги ёки келгуси бозорни таҳлилини ўз ичига олади ва кейинчалик маркетинг стратегиясини ривожлантириш ва маркетинг дастурини стратегия даражасига етказиши таъминлайди.

**Мақсадни аниқлаш ва маркет таҳлили чегаралари:** Таҳлилини мақсади ва маркетинг дастурини ривожлантириш савдо дастурини

башорат қилиш ва уни амалга ошириш воситалари. Ўрганишнинг асосий хусусияти - харидор эҳтиёжларини тушуниш ва ушбу эҳтиёжларни қондириш йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш. Бу тадбиркор учун “талаб башорати” га етиб келиш учун етарли эмас.

**Чегараларни белгилаш учун – маркет таҳлилидан нималар ўрганилади.** Мақсадларни – асосий, маъқул ва номуҳим категорияларга ажратиб олингани фойдадан холи эмас. Бундай қарор вақтни ва кучни тежаш имконини беради.

**Маълумот талабларини аниқлаш:** Маълумотлар тўғридан-тўғри бозор таҳлилиниң мақсад ва чегараларидан келиб чиқсан бўлиши керак, дастлабки баҳода масалалар муҳимлиги кўриб чиқилиш имконияти бўлса ҳам, асосий эътибор шундай имкониятларга қаратилиши лозим.

**Йиғилған маълумот:** маълумот нашр этилған, яъни иккиламчи ҳам бўлиши мумкин. Экспертлар билан маслаҳат ёки тадқиқий ўрганиш бу иккиламчи маълумотларни йиғишнинг бошқа туридир. Дастребки маълумот - бу бор ёки келгуси мижозлардан, рақобатчилардан, савдо каналлари орқали тадқиқот, маркетинг тести (янги ёки янгиланган маҳсулотлар учун) тўғридан - тўғри йиғилған биринчи қўл маълумотидир.

**Маълумот йиғиши жараёни ва таҳлили:** Маълумот йиғиб бўлингач, у сараланади, жадваллаштирилади ва кейин кетма-кетлик ва аниқлик учун қайта кўриб чиқилади. Шубҳали маълумот ишлатилмайди, лекин келгуси тадқиқотларга таъсир кўрсатмайди.

**Башорат моделини ривожлантириш/саралаш:** Талабни башорати учун миқдор ёки сифат усули талаб қилинади. Танқидий усул учун экспертларнинг билими ва баҳоси керак бўлади. Миқдор усули асосан статистик асбоблар асосида бўлади. Технологик усул таҳлил ва технологик инновациялар асосида бажарилади.

**Модел ишлаб чиқилганда** унинг тўғрилигини баҳолаш учун тарихий маълумотларга мурожаат қилиш ёки аналог манбаларга ёки экспертларнинг фикрларини текширилади. Модел фақат тўғри маълумотларни ўз ичига олади. Статистик таҳлиллар, дастурли ёки дастурсиз, катта талабда бўлган маълумотларни танлашда ёрдам беради.

**Талаб башорати:** Мос келувчи башорат усуслари танлаб олинади ва танланган усул орқали талаб башоратланади. Бу сифат тадқиқотларидан миқдор усуслари ёки манбалар қўринишида бўлиши мумкин.

**Маркетинг стратегиясини ривожлантириш:** Мижоз эҳтиёжлари, рақобатчилар ва бозор муҳитига тегишли бўлган маълумотлар таҳлили маҳсулот хусусиятлари, қадоқлаш, брэндинг, маҳсулот аралашмаси, нарх сиёсалари, таъминот каналлари ва бошқаларни қопловчи бозорга тегишли қарорлар – мижозларни таъминлаш ва маҳсулотни етказиб беришда ишлатиладиган маркетинг стратегиясига олиб келади.

**Бозор улушини аниқлаш:** Бозор улуши талаб башорати ва маркетинг стратегиясини қабул қилиш асосларида баҳоланади. Истеъмолда бўлган маҳсулотлар учун, рақобатчиларнинг кучи ва зийраклигига боғлиқлиги билан бозор улуши баҳоланади. У бозор улушини қуриш бу эҳтиёткорликдадир. Патент орқали ҳимоя қилинадиган ёки бошқа мулкчилик хуқуқларига эга бўлган маҳсулотлардан фарқли ўлароқ янги маҳсулотлар учун бошқа инвесторлардан саволлар бўлади.

**Маркетинг дастурини дизайнни:** Маркетинг ташкилоти маркетинг стратегиясини амалга оширилиши учун яратилади. Таъминотнинг сараланган каналларининг воситалари ва рағбатлатиравчи медиага кириш йўллари аниқланган. Маркетинг нархлари кейин аниқланган.

**Савдо дастурини ривожлантириш:** Савдо башорати талаб башоратидан келиб чиқади. Савдо дастури яратувчанлик сиёсати ва бозор таҳлили қарорлари

билин боғланган.

**Махсулот дастурини аниқлаш:** Махсулот аралашмаси, жадвали ва маҳсулот миқдори савдо дастури орқали тасдиқланади.

Завод сифимини аниқлаш: Завод сифими маркетинг дастури ва техник факторлар билан боғлиқ.



### Бозор таҳлили.

Бозор таҳлили муҳим ахборотларни ўрганиш ва уларни башоратлаш, ёки режалаштирилган маҳсулотнинг бўлажак талаби ва савдосини баҳолашни ўз ичига олади.

**Бозор муҳитни ўрганиш:** Бозор муҳити хақидаги маълумот проект фаолияти тушунарли бўлиши учун аниқланган, тўпланган, ва таҳлил қилинган бўлиши шарт. Бу фаолият турлари бўлғуси харидорларни, таъминотчиларни, рақобатчиларни, хукumat ва хусусий ташкилотларни қамраб олади. Саноат проекти рақобот муҳитида бошқарилганини учун рақобатнинг табиати ва кўплиги, унинг асоси, раобатчининг кули ва кучсиз томонлари, янгиликнинг пайдо бўлишига нисбатан бўлиши мумкин бўлган муносабатлар ўрганиб чиқилиши лозим. Ижтимоий ўзгаришлар (асосан қиймат тизимида) бозор истиқболи учун бундай ўзгаришлар таъсир кўрсатганлиги туфайли кенгрок ўрганилиши керак.

Рақобатчиларнинг кули ва кучсиз томонлари, ва уларнинг саноқ стратегиялари, проектнинг ташки муҳитининг бошқа аспектларига тегишли бўлган маълумотлар проект дизайнни ва маркетинг стратегияси қабул қилинишида пайдо бўлади.”<sup>3</sup>

### 1.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари.

“Маркетинг тадқиқотлари жараёни унга олтида босқич кириб, хар бирининг маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун ўз вазифаси, ечими мавжуддир:

Муаммони аниқлаш, муаммо ечимига келишишни ишлаб чиқиш, тадқиқот режасини бажариш, “дала тадқиқоти”ни ўтказиш, маълумотларни тайёрлаш ва анализ қилиш, шунингдек, ҳисоботни тайёрлаш ва бериш.

#### 1 Босқич. Муаммони аниқлаш.

Хар қандай маркетинг тадқиқотининг биринчи босқичи муаммони аниқлашдан иборат. Уни аниқлашда маркетолог бирламчи маълумотга мос келувчи, қандай маълумот зарурлиги ва унинг ечимини қабул қилишда қандай ишлатиш каби тадқиқот мақсадларини эътиборга ўтказиши керак. Муаммони

<sup>3</sup> IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2014, p 2-4.

аниқлаш, ечимини қабул қилувчи шахслар билан мухокама қилиш, бизнеснинг ушбу тармоғидаги экспертлар билан интервью ўтказиш, иккиламчи маълумотлар анализи ва балки фокус группа сингари бошқа синов тадқиқотларини ўтказиш ўз ичига олади. Муаммо аниқланиши билан маркетинг тадқиқоти режасини ишлаб чиқариш уни ўтказишга киришиш мумкин.

## *2 Босқич. Муаммо ечимиға келишини ишлаб чиқши.*

Муаммо ечимиға келишини ишлаб чиқиш, тадқиқотнинг назарий жиҳатидан шакллантириш аналитик модельлар, тўлов саволлари, фаразлар, шуннингдек, тадқиқот режасига таъсир кўрсатиш мумкин бўлган омилларни ўз ичига олади. Бу босқич қуйидаги фаолиятлар билан характерланади:

Шу тармоқдаги компания раҳбарияти – мижоз ва эксперталар билан мухокама, вазият ва моделлаштиришни ўрганиш, иккиламчи маълумотлар анализи синов тадқиқотлари прогматик фикрлашдир.

## *3 Босқич. Тадқиқот режасини ишлаб чиқарши.*

Тадқиқот режасини ишлаб чиқариш, уни ўтказишнинг асоси бўлиб хизмат қиласи, кераклик маълумотни олиш учун зарур бўлган ишларни деталлаштиради. Фаразларни текширишни ишлаб чиқариш, қидирув саволларига мумкин бўлган жавобларни аниқлаш ва унинг ечимини қабул қилиши учун қандай маълумот кераклигини аниқлашда зарур бўлади. Қидирув тадқиқотини ўтказиш унинг ўлчами учун ўзгарувчан ва мос келувчи шкалаларни аниқлаш – буларнинг хаммаси маркетинг тадқиқоти режасига киради. Респондентларнинг маълумотлари қай тарзда олишни аниқлаб олиш керак бўлади. Шу вақтнинг ўзида танлов кузатуви анкетасини ишлаб чиқиш керак.

Маркетинг тадқиқоти режасини қатъий ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан изборат:

1. Кераклик маълумотни аниқлаш;
2. Иккиламчи маълумот анализи;
3. Синов тадқиқоти;
4. Сонли маълумотларни йиғиш (сўровнома, эксперементлар ўтказиш ва кузатиш);
5. Шкалалаштириш ўлчами ва усуллари;
6. Анкета ишлаб чиқариш;
7. Танлов кузатувини ўтказиш ва танлов ўлчамини аниқлаш;
8. Маълумотлар анализини режалаштириш.

#### *4. Босқич. “Дала тадқиқоти” ёки маълумотларни йиғиши.*

Маълумотларни йиғиши “дала тадқиқоти”ни ўтказиш мутахассиси томонидан “дала тадқиқоти” шароитида шахсий интервьюолар ўтказишга ўхшаш (яшаш жойларида, сотиб олиш жойларида ёки компьютер ёрдамида) ёки телефон ёрдамида оғисдан (телефон ёки компьютер орқали интервью ўтказиш, почта орқали олдиндан аниқланган оилалар билан анъанавий почта ва почта панель тадқиқотлари), ёки электрон воситалари ёрдамида (электрон почта ёки интернет) орқали ўтказилади. Ўтказилган танлов, ўқтиш, “дала тадқиқоти” да иштирок этган ходимлар назорати ва баҳоланиши маълумотлар йиғищдаги хатоларни қисқартиради.

#### *5 Босқич. Маълумотларни тайёрлаш ва уларнинг анализи.*

Маълумотларни тайёрлаш уларни таҳрирлаш, кодлаштириш, шифрдан ечиш ва маълумотларни текширишни ўз ичига олади. Кузатувнинг хар бир анкетаси ёки формаси текширилади ёки таҳрирланади, агар керак бўлса тартиблаштирилади. Анкета саволининг хар бир жавобига сонли ёки харфли кодлар қўйилади. Анкета маълумотлари магнит лентаси, диск ёки тўғридан тўғри компьютерга расшифровка қилинади. Олинган маълумотлар таҳлили олдинга сурилган фаразларни текшириш, тўғри бошқарув қарорини қабул қилишда ёрдам берувчи керакли маълумотни олиш имконини беради.

#### *6 Босқич. Ҳисобот тайёрлаш ва унинг презентацияси.*

Маркетинг тадқиқотларининг олиб борилиши ва натижаси ёзма ҳисобот шаклида тадқиқотнинг аниқ саволлари тўлиқ кўрсатилган тадқиқот усул ва режаси тасвиrlenган, маълумотларни йиғиши ва уларни таҳлил қилиш жараёнлари, натижалари ва ҳисботи кўрсатилиши керак бўлади. Бунда олинган ҳисботлар бошқарув қарорларини қабул қилиш имконини берувчи қулай шаклда кўрсатилиши керак. Бундан ташқари компания раҳбарияти – мижозга жадваллар сон ва диаграммалар ишлатилган аудитория таъсир ва тушинарли бўладиган оғзаки презентацияси хам керак бўлади.”<sup>4</sup>

#### **Назорат саволлари:**

1. Бозор иқтисодиетининг моҳияти нимадан иборат?
2. Маркетинг тадқиқотлари фанининг предмети ва методи тўғрисида тушунча беринг?
3. Маркетинг концепцияси нима?
4. Маркетинг тадқиқотлари фанининг таркибига кирувчи асосий йўналишлар

<sup>4</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2014, p. 153-156

қайсилар?

5. Фаннинг асосий муаммолари нималардан иборат?
6. Республикаизда маркетинг тадқиқотлари билан шуғулланувчи ташкилотлар тўғрисида нималарни биласиз?
7. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш тамойиллари.
8. Маркетинг тадқиқотларида ахборот тизимининг аҳамияти.
9. Маркетинг ахборотлари нима?
10. Маркетинг тадқиқотларида сўров ўтказиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2014
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

#### **Интернет ресурслари**

1. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz) – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлигининг расмий сайти.
  2. [www.uzreport.com](http://www.uzreport.com) – бизнес ахборотлари портали.
  3. [www.eurasianews.com](http://www.eurasianews.com) – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
  4. [www.InternetNews.com](http://www.InternetNews.com) – янгиликлар сервери.
-

## **2- Мавзу: Маркетинг тадқиқотларининг назарий асослари.**

---

### **Режа:**

- 2.1.Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси.
- 2.2.Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар.
- 2.3.Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари.
- 2.4.Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари.

**Таянч иборалар:** Талабни тадқиқ этиши. Эҳтиёжларнинг талабга айланиси. Якка талаб. Талабнинг баҳога боғлиқлиги. Талаб қонуни. Талаб эластиклиги. Заарсизлик нуқтаси. Таклифни тадқиқ этиши. Таклиф қонуни. Нархнинг таклифга таъсирни. Таклиф эластиклиги.

### **2.1. Маркетинг тадқиқотларининг мақсади, вазифалари ва стратегияси.**

“Маркетингда асосий акцент харидор эҳтиёжини аниқлаш ва қондиришга бўлинади. Харидор эҳтиёжини аниқлаш ва уни қондириш учун қаратилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш учун маркетологга ахборот ёки маълумот керак. Уларни харидор, рақобатчилар ва бозорнинг бошқа иштирокчиларига маълумот қизиқтиради. Сўнгги йилларда маълумотларни чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж учун таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар пайдо бўлди. Бизнес масштабининг миллий ва халқаро даражалар ўсиши билан баъзи бозорларнинг хақида кенгроқ ва территориал ахборотга эҳтиёж кучаймоқда. Харидорлар фахмли бўлиб бораётганлиги сабабли маркетологлар харидорлар товар маркетинг стратегияларига қандай муносабатда бўлаётганлиги хақида аниқроқ ахборотга мухтожлик сезмоқдалар. Рақобатчлик курашлари кучайиб бориши туфайли маркетинг дастурининг самарадорлигига алоқадор маълумотга эҳтиёж шартланилаяпти. Маркетинг муҳитининг тез ўзгариши туфайли раҳбариятнинг хам ўз вақтидаги маълумоттга эъхтиёжи кучаймоқда. Маркетинг тадқиқотининг вазифаси компания раҳбариятини аниқ, ишончли асосланган ўз вақтида ва ишга тегишли бўлган маълумот билан таъминлашдир. Юқори рақобатлашган маркетинг муҳити ва доимо бошқарув хатосининг доимо ўсиб борувчи баҳоси маркетинг тадқиқотларида юқори сифатли маълумотни етказиб беришни талаб этмоқда. Самарали ечимлар интуиция ёки оддий фикрлашга орқали асосланмайди. Джонсон ва джонсон компанияси намунаси орқали сифатли маълумот йўқлиги туфайли хато нималарга олиб келиши мумкинлигин кўришимиз мумкин.

#### *Джонсон ва джонсон компанияси стили – тўсиқлар*

Джонсон ва джонсон компанияси соғлиқни сақлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги энг тармоқланган компания ҳисобланади. 2003 йилда Джонсон ва джонсон компаниясига тегишли 190 саноат тармаоқлари дунённинг 175


ортиқ мамлакатларда ўз маҳсулотлари сотуви билан шуғулланган. Джонсон ва джонсон компаниясининг болалар аспиринига ўз фирмасининг номини беришига бўлган муваффақиятсизликка учради. Джонсон ва джонсон компаниясининг маҳсулотлари юмшоқ таъсир этувчи маҳсулот ҳисобланади, лекин болалар аспипринидан кутилган натижани юмшоқ деб айтиб бўлмайди. Болалар аспирини хавсиз бўлиши керак. Лекин юмшоқлик ўз йўлига – бу аспириндан кутилган натижа эмас. Бундан ташқари баъзи одамлар юмшоқ таъсир этувчи аспиринни етарли даражада самарали деб ҳисоблашмайди. Мана сизга мантиқли ва табий қарор нотўғри бўлиши мумкинлиги хақидаги мисол.

Джонсон ва джонсон компанияси намунасидан кўриниб турибдики, маркетологлар мижоз эҳтиёжларини идентификация қилиш ва қониқтириш жараёнида кўп микдорга стратегик ва тактик қарорлар қабул қилишади. Улар компаниянинг потенциал имкониятлари, мақсадли бозор танлови, бозор сегментацияси маркетинг дастурини режалаштириш ва амалга ошириш маркетинг тадбирларини муваффақиятли амалга ошириш маркетинг стратегияси назоратига тегишли бўлган қарорлар қабул қилишади. Бу қарорлар маркетинг муҳитининг назорат омилларининг ўзаро фаолияти: товар, нарх, олдинга юрғизиш ва дистрибутерлик билан қийинлашади. Менеджер маркетологлар фаолиятига ташқи муҳитининг назорат қилиб бўлмайдиган иқтисодий, техник, сиёсий, хуқукий-норматив, рақобат ва шунингдек ижтимоий маданий омиллари қўшимча қийинчиликлар туғдиради. Маркетолог шунингдек, компания ишига алоқадор турли гуруҳ одамлари: харидор, ходим, акционер, дистрибутор ва бошқаларни қизиқишиларини хам эътиборга олиши керак. Маркетинг тадқиқотлари маркетолог директорига маркетинг муҳити ва қизиқишишга эга бўлган гуруҳ омилларини маркетинг стратегияси билан боғлаши керак. Унинг ёрдамида компания раҳбарияти бизнесни ривожланишидаги ноаниқликни қисман четга суриш имконини берадиган маълумотга эга бўлади. Агарда бундай маълумот бўлмаса, компания маркетинг дастурига харидорларнинг таъсирини етарли даражада ишончли ва аниқ олдиндан кўра билиш мумкин эмас. Тизимли маркетинг тадқиқоти турли гуруҳ муҳит ва қизиқишиларини назоратли ва назорат қилиб бўлмайдиган омиллари хақидаги маълумотни ололмайди. Бундай маълумот маркетинг қарорлари самарсини оширади.”<sup>5</sup>

---

<sup>5</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2012, p. 108.

## 2.2.Маркетинг тадқиқотлари ва иқтисодий қонунлар.



“Бозор мухитини тасаввур қилганда, эътибор харидорга қаратилиши лозим. Харидор эҳтиёжи ва уларни қандай қондирилишига тегишли бўлган проектнинг бозор мухитининг бу аспектлари асосий саволларидир. Проектнинг бозор мухитининг элементлари проектнинг ички ва ташки мухитларининг элементларидан ошади.

### Ташки мухит

Ташки мухитнинг хилма хиллиги фақат умумий кўринишдан идора қилиниб бўлмайдиган. Стратегик режа ва фаолиятлар ташки мухитнинг характеристикалари билан шуғулланиб уни ташкилотнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб мувоқиллаштира олиши мумкин.<sup>6</sup>

### Талаб

Талаб белгилари қўйидагилар: шахсий кирим ва унинг бир марталик киримга нисбатан тақсимоти, демографика ва ахоли қатламининг маданий характеристикаси. Буни ташки мажбурият деб тушунилиши мумкин, лекин кўпинча бозор йўналиши талаб аҳамияти ва ташкилот томонидан талабга бўлган эҳтиёжнинг нисбатига ҳам таъсир кўрсата олади.

### Нарх

Деярли хар бир бозорда талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири орқали ўрнатилган нархлар тизими мавжуд. Проект таҳлилчisi устун нарх тизимини тан олиши ёки уни бозор йўналишидаги бўшлиғини ривожлантиришига тўғри келади.

Энди проект томонидан таъминланган ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар махаллий ишлаб чиқарувчилар ёки импорт қилувчилар томонидан таклиф қилиниши мумкин. Проектнинг мақбул бозор йўналиши рақобатнинг бу кўринишини ҳам эътиборга олади. Рақобатчиларнинг хажми, уларнинг бозорга киришлари (бозорга киришнинг географик масофаси), уларнинг бозорга йўналишлари (маркетинг стратегияси ва дастури) ва уларнинг бозорда устунлиги булярнинг ҳаммаси эътиборга молик омиллардир.


### Рағбатлантирув тизими

Рағбатлантириш бу бўлажак харидорларни жалб қилиш усулидир. Одатда бунинг расмий ва норасмий тизимлари мавжуд - медиа, рағбатлантирув стратегияси ва профессионал рағбатлантириш дизайнери рағбатлантириш

<sup>6</sup> IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010, p 5.

стратегиясини ишлаб чиқади.

## PRODUCT LIFE CYCLE MODEL(PLC) Махсулот ҳаёт циклининг модели




Кўпгина маҳсулотларнинг ҳаёт цикли ўсиш баҳоси турлича бўлган фазалардан иборат. Оддатий фазалар қўйидагилардан иборат: бошланғич, ўсиш, этилган ва тушиш.

Бозор таҳлилчиси маҳсулот ҳаёт циклининг қизиқиши секторида хушёр бўлиши керак, маркетинг стратегияси хар бир фазада турлича бўлган ташкилотнинг стратегик мақсадлари, рақобатчилик вазиятлари, нарх ва фойда структураси, ва аниқ бозор шароитлари каби шароитларга мослаша олиши керак.

## RELATION OF PRODUCT LIFE CYCLE(PLC) TO DEMAND FORECAST

Махсулот ҳаёт циклининг талаб башоратига алоқаси



Бозорга янги кириш учун маҳсулот ҳаёт цикли талаб башорати учун муҳим қисм бўлиши мумкин. Баъзи анъанавий башорат моделлари, бошқа бўлимларда муҳокама қилинган, бозорнинг умумий иқтисодий трендларга боғлиқлиги, демографик омиллар ёки маҳсулот ва товарлар билан боғлиқ истеъмол масалалари

олдиндан айтиб берилган.”<sup>7</sup>

### 2.3. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари.

“Тадқиқот режасининг умумий нуқтаи назаридан иккига: қидирув ва якунийга бўлинади. Қидирув тадқиқотининг асосий вазифаси тадқиқотчи олдида турган муаммонинг моҳиятини тушунишни таъминлашдан иборат. Қидирув тадқиқоти муаммони аниқ аниқлаш, харакатларининг мос йўналишларини ажратиш, киришишни ишлаб чиқаришдан олдин муаммони қўшимча ўрганиш керак бўлганда фойдаланилади. Бу босқичда маркетолог қандай маълумот кераклиги хақида тўлиқ маълумотга эга бўлмайди. Тадқиқот жараёни эса эгилувчан ва тизимлашмаган бўлади, Масалан, у тармоқ эксперtlари билан шахсий интервьюдан иборат бўлиши мумкин. Танлов кичик ўлчамларда

<sup>7</sup> IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010, p 5-9.

характерланиши репрезентатив бўлмаслиги мумкин; бирламчи маълумотлар сифатли бўлади ва ўз ўзидан таҳлил қилинади. Тадқиқот жараёнининг бундай характеристикаларини ҳисобга олиб қидирув тадқиқотига бирламчи ёки кейинги тадқиқотлар учун манба сифатида қаралади. Одатда бундай тадқиқотлардан кейин кейинги қидирув ёки яқуний тадқиқотлар ўтказилади. Баъзида маркетолог иши фақатгина қидирув тадқиқотини ўтказиш билан, айниқса у сифатли бўлса чегараланади. Бундай холатларда олинган натижалардан эҳтиёткорона фойдаланиши керак.”<sup>8</sup>

### 3.1. - Жадвал. Қидирув ва яқуний маркетинг тадқиқотлари фарқи

	Қидирув	Яқуний
Мақсад	Маркетинг муаммосини чукур тушуниш	Аниқ фаразларни текшириш ва ўзгаришлар орасидаги аниқ ўзаро боғлиқликни ўрганиш
Характеристикалар	Керакли маълумотлар мавхум аниқланган ; тадқоқот жараёни ўзгарувчан ва тизимлашмаган; тонлов майда ва репрезентатив эмас; бирламчи маълумотларнинг сифатли таҳлили	Керакли маълумот аниқ аниқланган; Тадқиқот жараёни расмий ва тизимлашган; Тонлов йирик ва репрезентатив; Бирламчи маълумотларнинг сонли таҳлили
Натижалар	Олдинги	Сўнгги
Хотима	Одатда кейинги қидирув ва яқуний тадқиқот ўтказилади	Бошқарув қарорини қабул қилиш учун натижалардан маълумот манбаси сифатидан фойдаланилади

<sup>8</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2007, p. 70.

“Қидирув тадқиқоти натижасида олинган муаммони чуқур тушуниш, якуний тадқиқот ёрдамида таслдиқланиши мумкин. Якуний тадқиқоттинг вазифаси аниқ фаразларни текшириш ва аниқ ўзаро боғлиқликни тадқиқ этишдан иборат. Бу ҳолда маркетолог аниқ маълумотга эҳтиёж сезади.

Якуний тадқиқот одатда қидирув тадқиқотга қараганда анча формага туширилган ва тизимлашган бўлади. Унда кўпроқ репрезентатив танловлар бўлади, олинган маълумотлар сонили таҳлил қилинади. “Якуний” атамаси маркетинг тадқиқотининг бундай тури натижалари маркетинг нуқтаи назаридан якуний шу билан бир қаторида бошқарув қарорини қабул қилишда маълумотлар манбаси бўлиб ҳизмат қилганлиги учун урғу берилади. Якуний тадқиқот дискриптив ва сабаб оқибатли, дискриптив эса профил ёки қайтарилувчи бўлиши мумкин. Уларнинг хар бирининг классификацияси қидирув тадқиқотидан бошлаб кенгроқ кўриб чиқилади.

### *Қидирув тадқиқоти*

Ўз номидан кўриниб турибдики қидирув тадқиқотининг вазифаси маркетолог дуч келган муаммо ёки ҳолатни унинг моҳиятини тушуниш учун чуқурроқ кўриб чиқишдан иборат (3.2.- Жадвал). Қидирув тадқиқоти қуйидаги вазифаларни хар фазасини ечимида фойдаланиш мумкин:

- Муаммони шакллантириш ва уни аниқроқ аниқлаш;
- Харакатнинг танлов йўналишларини аниқлаш;
- Фаразларни ишлаб чиқиш;
- Асосий ўзгарувчанларни ажратиш ва кейинги тадқиқот учун уларнинг ўзаро боғлиқлигини ажратиш;
- Муаммо ечими учун у ёки бу вариантдаги киришишни ишлаб чиқаришни асослаштириш;
- Кейинги тадқиқот учун энг муҳимларини белгилаш.

Қидирув тадқиқоти маркетолог хали рўй берган ҳолатни яъни тушинмаган ва муаммо ечимига кириша олмаганда керак бўлади. Қидирув тадқиқоти мослашувчан ва хар тарафлама ва уни ўтказишида расмий усуллар ва жараёнлардан фойдаланилмайди. Бундай ҳолатдарда маркетологлар ишлаб чиқилган анкеталар ва респондентларнинг катта танловаларини камдан кам ишлатишади. Уларнинг вазифалари пайдо бўлган муаммо бирдан янги фикр ва ғояларини таҳлил қилишдир. Уларда қандайдир янги ғоя пайдо бўлсагина тадқиқот йўналишини ўзгаритириши мумкин. Янги ғояни ўрганиш хамма имкониятда йўққа чиққунча ёки бошқа янги йўналиш топилгунча давом этади. Шу сабабли, тадқиқот нуқтаси муаммо тушунчasi чуқурлашаган сари доимо ўзгариб туради. Шундай қилиб тадқиқотчининг топқирлиги ва изланувчанлиги асосий аҳамиятга эга. Яхши қидирув тадқиқотининг омиллари тадқиқотчининг қобилиятларигина эмас.

Қиди्रув тадқиқоти қуидаги усуллардан фойдаланилганда хам муваффақитли чиқиши мүмкін. (3.2- Жадвал)

- Экспертлар сўровномаси;
- Пилот тадқиқот;
- Иккиламчи маълумот таҳлили;
- Синов тадқиқоти.”<sup>9</sup>

### 3.2. - Жадвал.

#### Маркетинг тадқиқотиниг асосий турларининг солиштирумаси

	Қидириув	Дискриптив	Сабаб оқибатли
Мақсад	Фикр ва ғояларни тадқиқоти.	Бозор характеристикаси ёки маркетинг фаолиятини тасвирлаш.	Сабаб оқибатни нг ўзаро боғлиқлигини аниклаш
Характеристика	Мослашувчан; Ўзгарувчан; Кўпинча маркетинг тадқиқотини умумий режасининг биринчи босқичида учрайди.	Аввалдан шакллантирилган аниқ фаразлар билан характерланади; режалаштирилган ва тизимлашган режа.	Бир ёки бир қанча ўзгарувчанларни ишлаб чиқиш; бошқа оралиқ ўзгарувчанларни назорати
Усуллар	Эксперт сўровномалари; пилот тадқиқотлар; иккиламчи маълумот; сифат тадқиқотлари.	Иккиламчи маълумот; Сўровномалар; Панельлар; Кузатув маълумотлари турлари ва бошқа маълумотлар;	экспериментлар

<sup>9</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2007, 72p.

## **2.4. Маркетинг тадқиқотларининг шакл ва усуллари.**

“Дескрептив тадқиқотнинг асосий вазифаси бозорнинг ёки маркетинг фаолиятнинг айрим характеристикаларини беришдан иборат. Дескрептив тадқиқот қуидаги мақсадлар учун ўтказилади.

1. Қуидаги гурухлар: истеъмолчилар, савдо ходимлари, ташкилот ёки бозор зонасини тасвирлаш учун. Масалан, биз “Фифз Сакс Авеню” ёки “Ньюман Маркос” каби қимматли универмагларда харид қилувчи мижозлар профилини аниқлашимиз мумкин.
2. Аниқ хатти-харакатни кўрсатувчи харидорларнинг умумий қисмини аниқлаш; масалан, қимматли универмагларда харид қилувчи харидорлар фоизи, шунингдек улар чегирмалар вақтида доимо универмагларга келишини кузатиш.
3. Маҳсулот характеристикаси ҳиссини аниқлаш. Масалан, оиласлар универмагларни турли критериялар нуқтаи назаридан қандай қабул қиладилар.
4. Маркетинг ўзгарувчанлари даражаси боғлиқлигини аниқлаш. Масалан, универмаг хариди билан овқат етказиб бериш алоқаси қай даражада боғлиқлиги.
5. Аниқ башоратлар қилиш. Масалан, Далласдаги (аниқ регионда) “Ньюман Маркос” (аниқ универмагда) оммабоп кийимларнинг (аниқ товар категорияси) чакана савдоси қандай бўлиши.

Қидирав ва дескрептив тадқиқот ўртасидаги фарқ, дескрептив тадқиқотда аниқ башоратлар, яъни маркетолог унга қанақа маълумот кераклигини олдиндан билишидан иборат.

Дескрептив тадқиқот одатда катта репрезентатив танловлар асосига кўрилади. Тадқиқотнинг чуқурроқ ёзма режаси маълумот манбалари ва маълумот йифими учун усулларни аниқлайди. Тадқиқотнинг дескрептив тури саволларни аниқ қўйилишини: ким, нима, қаерда, нима учун ва қандай қилиб талаб қилади. Ушбу тезисни қуидаги намунада кўриб чиқамиз:

### **Универмаг танлови**

Олтита савол

1. Ким: ушбу универмагнинг доимий мижози деб кимлар саналиши мумкин?  
Жавоб турлари қуидагилардан иборат  
А) у ёки бу нарса сотиб олишидан қатъи назар универмагга ташриф буюрувчи одам;  
Б) универмагдан бирор нарса харид қилувчи одам;  
В) камида ойида бир марта харид қилувчи одам;  
Г) универмагда харид қилувчи оила аъзоси.  
2. Нима риспондентлардан қандай маълумот олиш мумкин?  
Қуидагиларни қамраб олуувувчи кенг тарзда олиш мумкин;

- А) аниқ товарларни сотиб олиш учун турли универмагларга борувчилар частотаси;
- Б) турли критериялар нұқтаи назаридан турли универмаглар нархи;
- В) ишлаб чиқылған фаразларни текширишга тегишли бўлган маълумот;
- Г) ҳаёт тарзи характеристикиси, психографик ва демографик характеристика.

3. Респондентлардан қачон маълумот олиш керак

Вариантлар қўйидагилардан иборат:

- А)харидгачаган;
- Б) харид давомида;
- В) дарҳол хариддан сўнг;
- Г)харидни баҳолаш имкони бўлиши учун хариддан озгина вақт ўтгач.

4. Қаерда. Керакли маълумотни олиш учун қаерда респондентлар билан боғланиш мумкин. Респондентлар билан контактлар қўйидагилар:

- А) универмагда;
- Б) савдо маркази терреториясида, универмагдан ташқари;
- В) автомобиль тўхташ жойида;
- Г) уйда.

5. Нима учун. Респондентлардан нима учун маълумотларни оламиз. Маркетинг тадқиқоти нима учун ўтказилади:

- А)ўрганилаётган универмаг имеджин яхшилиш учун;
- Б)доимий харидорлар улуши ва бозор улушкини кенгайтириш учун;
- В) маркетинг комплексини ўзгартириш учун;
- Г) компнаия силжишини мосини ишлаб чиқиши учун;
- Д) янги универмагнинг жойлашуви тўғрисида қарор қилиши учун.

6. Усул. Респондентлардан биз қай тарзда маълумот олмоқчимиз. Усуллар:

- А) респондентлар хатти характеристини кузатиб;
- Б) яккама якка интервьюлар;
- В) телефон интервьюлар;
- Г) почта орқали интервьюлар.

Шундай қилиб дискриптив тадқиқот қидирав тадқиқотининг акси бўлиб, унда муаммолар аниқ фаразлар ва кераклик информациялар чуқурлаштирилган бўлади. “Универмаг танлови” проектида яккама якка интервью ёрдамида ўтказилаги харидорлар сўровномаси дискриптив тадқиқотининг бошқа намуналарини келтирамиз.

•Бозорни унинг ўлчами, харидорларнинг савдо қобилияtlари, дистребьютерларнинг бор йўқлиги ва харидорлар профили орқали тадқиқ этиш;

- Ялпи савдода компания ва унинг рақобатчилари нисбатини кўрсатувчи бозор улушини тадқиқ қилиш;
- Географик регионлар маҳсулот линиялари ва ўлчамлари орқали аниқланувчи савдо таҳлили;
- Фирма ва унинг маҳсулотлари истеъмоли ҳиссини аниқловчи имидж таҳлили;
- Маҳсулотдан қандай фойдалинишни тасвирловчи маҳсулотни ишатишни тадқиқ қилиш;
- Савдо патоклари ҳисоби ва дистребьютерлар жойлашинувини аниқловчи модельлар орқали тарқатилашни тадқиқ қилиш;
- Нарх ўзгариши диапозони ва тезлигини аниқловчи ва таклиф этилаётган нарх ўзгаришига харидорларнинг мумкин бўлган таъсирини аниқловчи нархни ўрганувчи таҳлили;
- Аниқ телевизион дастурлар ва журналлар учун аудитория ва уни профилини белгиловчи реклама тадқиқотлари.

Кўпгина дескрептив тадқиқотларида дискриптив тадқиқот қуийдаги асосий усувлар орқали ўтказилади.

- Иккиласмчи маълумотдан фойдаланиш;
- Сўровномалар;
- Панельлар;
- Кузатув маълумотлар ва бошқалар.

Фойдаланилган усувларга қараб дискриптив тадқиқот профиль (ёки тақорорланмас) ва вақтинча (тақорорланадиган) тадқиқотга бўлинади.”<sup>10</sup>

### **Назорат саволлари:**

1. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
2. Маркетингни макро ва микро муҳити деганда нималарни тушунасиз?
3. Маркетинг тадқиқотларининг максади ва асосий вазифалари нимлардан иборат.
4. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишларини санаб беринг?
5. Маркетинг стратегиялари тўғрисида нималарни биласиз.
6. Дала ва кабинетли тадқиқотлар деганда нимани тушунасиз.
7. Маркетинг тадқиқоти ва бозор тадқиқоти ўртасида қандай фарклар бор?
8. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишга қуйиладиган талаблар нималардан иборат?
9. Маркетинг стратегияларидан амалда қуллаш қандай натижаларга олиб келиши мумкин?

---

<sup>10</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2012, p 64-70.

## **Фойдаланилган адабиётлар: Махсус адабиётлар**

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith, Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc., US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2014
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

### **Интернет ресурслари**

1. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
2. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
3. www.eurasianews.com – ЕвроОсиё тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
4. www.InternetNews.com – янгиликлар сервери.

### **3- мавзу: Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш ва бошқариш.**

#### **Режа:**


- 3.1.Маркетинг тадқиқотларини ташкил этишнинг моҳияти ва аҳамияти.**
- 3.2.Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш.**
- 3.3.Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси.**

**Таянч иборалари:** Аниқ талаб. Талабнинг 7 элементи. Талаб таснифи. Талаб атамаси. Талаб аниқловчилари. Талаб ва таклиф алоқаси. Талаб ва таклиф тенглиги. Таклиф таҳлили. Бозор улуши. Ўсиш имкониятларини излаш. Харидор гуруҳи ёки аҳоли қатлами. Географик территория. Вақт оралиги. Бозор муҳити. Харидор товарлари ва ишлаб чиқарувчи товарлари. Доимий ва доимий бўлмаган товарлар. Ўз- ўзини бошқарувчи талаб ва келтириб чиқарилган талаб. Шахсий талаб ва бозор талаби. Эффектив талаб. Беркитилган талаб. Кондирилмаган талаб. Потенциал бозор. Макро муҳит. Физик муҳит. Ўзаро боғланган саноат холати. Ички талаб.

#### **3.1.Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш нинг моҳияти ва аҳамияти.**

##### **(Demand defined) Аниқланган талаб**

“Талаб аниқ харидорлар гуруҳи томонидан аниқланган, аниқ географик территорияда, аниқ муддат давомида, аниқ бозор муҳитида, махсус бозор йўналишида – олинадиган (товар ва



хизматлар) маҳсулотнинг умумий миқдори орқали аниқланиши мумкин. Талаб товар ёки хизматнинг башорат қилинган истеъмоли, иқтисодиётнинг дунё бозорида олинадиган умумий миқдор бўлиши мумкин. Талаб маҳсулотнинг ҳаёт цикли бўйича турлича бўлиши мумкин<sup>11</sup>.

## SEVEN ELEMENTS OF DEMAND

**Маҳсулот:** Маҳсулот учун асосий талаб маҳсус аниқланиши керак. Масалан,

SEVEN ELEMENTS OF DEMAND	
PRODUCTS	PRESENT AND FUTURE APPLICATIONS
VOLUME	PHYSICAL MEASURE MONETARY VALUE
CUSTOMERS	SEGMENTS
GEOGRAPHICAL AREA	ORGANISATIONAL LIMITATION NATURE OF PRODUCT ENVIRONMENTAL LIMITATIONS
MARKET ENVIRONMENT	EXTERNAL ("UNCONTROLLABLE") VARIABLES
TIME PERIOD	TO PLANNING HORIZON
MARKETING STRATEGIES	APPROACH TO MARKETS

маълум бир давр мобайнида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган велосипедларни сотиб олиниш миқдорини топиш муҳим эмас. Маҳсулот мавжуд бозор кўрсаткичлари (дейлик 20 тезликда аниқ оғирлиқдан паст бўлган тоғ велосипедлари) орқали ёки проектда таништирилган маҳсулотнинг янгиликлари орқали аниқ кўрсатилиш шарт. Қарор таҳлилчи қанчалик тўғри кўра олишига боғлиқ

бўлади.

## (Demand classification ) Талаб класификацияси



Талаб товар ва хизматларнинг турли квалификациялари билан аниқланиши мумкин. Бунинг бир сабаби савдо статистикиси маҳсулот квалификациясига асосланади. Нашр этилган маълумотлардан аниқ башоратларни ўтказиш учун проект маҳсулоти маҳсус квалификациялар билан аниқланиши лозим. Бошқа сабаби эса маҳсус харидор турли маҳсулот квалификацияларга асосланади.

**Харидор товарлари ва ишлаб чиқарувчи товарлари:** Харидор товарлари деганда уй бекалари, одамлар ва хайвонлар истеъмол қиласидиган масалан, озиқовқатлар, кийим-кечак, уй бекаларининг қонуний хизматлари кабилар тушунилади.

**Ишлаб чиқарувчилар товарлари** бошқа товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда фойдаланилдиган воситалар масалан машиналар, завод бинолари, хомашё ва шу кабилар тушунилади.

## (Demand terminology) Талаб атамаси



Талаб турлича йўллар билан ифодаланиши мумкин, уларнинг хар бирини аниқ маънолари бор. Талаб аниқланётгандан, ёки талаб маълумотларидан фойдалаётгандан, фойдаланилган атамалар маълумот

<sup>11</sup> IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010, p. 10.

олинган манба кўрсатилиши керак.

**Эффектив талаб:** Аниқ маҳсулот хозирги ёки бўлғуси талабга кераклича таъсири кўрсатмайди. Эффектив талаб бу сотиб олиш хохиши билан бирга тўлаш имконияти борлиги ҳамдир. Баъзи шу категорияга тушган бўлғуси харидорлар шу маҳсулотни олалмайдилар.

Маркетинг тадқиқоти ишлари барча ташкилот ва корхоналар фаолиятида кенг ўрин эгаллаб бормоқда. Бозор хусусидаги ахборот ёки хабарларга суюниш, улардан керакли вазиятларда фойдаланиш, табиийки, зарурӣ шартдир. Лекин, фирма ва ташкилотларнинг мақсадли бозор, харидор сари интилишларини амалга оширишда муайян йўналишга ва мақсадга бўлган маркетинг тадқиқотлари мухим ўрин эгаллайди.”<sup>12</sup>

“Тадқиқот режаси ишлаб чиқилгач лойиха бюджети ва графикаси тузилгач тадқиқотни ўтказиш ҳақида ёзма таклиф тайёрлаш вақти келади. Маркетинг тадқиқотини ўтказиш таклифи маркетинг тадқиқоти моҳиятини билдиради ва тадқиқотчи билан мижоз ўртасида контракт сифатида хизмат қиласи. Маркетинг тадқиқотини ўтказиш таклифи унинг хамма босқичларини ўз ичига олади. Унда тадқиқот муаммоси, киришиш, тадқиқот режаси ва маълумотлар қай тарзда йиғилиши, таҳлил қилиши ва клиентга берилиши кўрсатилади. Таклифда тадқиқотни ва унинг вақтинча графикасини бажаришга кетадиган ҳаражатлар нархи келтирилади. Таклиф формати турлича бўлиши мумкин, лекин кўп ҳолларда маркетинг тадқиқоти жараёнининг ҳамма босқичларини ўз ичига олади ва қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

1. Раҳбарият учун қисқача маълумот (резюме). Таклиф хамма таклифларнинг умумий маълумотларига эга бўлган хар бир бўлимли асосий пунктлари хақидаги қисқача маълумотлар билан бошланиши шарт.

2. Аввалги маълумот. Ташки мұхит омилларини ўз ичига олган муаммонинг авалги маълумотлари ҳам кўриб чиқилиши шарт.

3. Муаммони аниқлаш ва тадқиқот вазифалари одатда муаммони унинг алоҳида компонентларини қўшиб тасвирлаш керак. Агар бу бўлмаса (муаммони аниқлаш тадқиқоти ҳолатига ўхшаб), маркетинг тадқиқоти лойихаси вазифасини аниқ ажратиш керак.

4. Муаммога киришиш. Камида мос келувчи илмий ва профессионал манбалар, шунингдек аналитик модельнинг бир қанча турлари берилиши лозим. Агарда қидирав саволлари, фаразлар, тадқиқот режасига таъсири кўрсатувчи омиллар аниқланган бўлса, бу информация ўз аксини топиши шарт.

5. Тадқиқот режаси. Тадқиотнинг танланган тури – қидирав, дискриптив ёки сабаб оқибат, кўрсатилиши шарт. Потенциал мижоз қуйидагии компонентлар ҳақида маълумотга эга бўлиши шарт: қандай маълумот йиғилмоқда; сўровнома ўтказиш усули (почта, телефон орқали ёки шахсий интервьюлар); шкалалаштириш

<sup>12</sup> IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010, p. 13.

усуллари; анкета ўтказиш характери (бериладиган савол турлари давомийлик, интевью учун ўртача вакт); танлов режаси ва унинг ўлчами.

6. Дала тадқиқоти ишлари ва маълумотларни йиғиши. Таклифда ким ва қай тарзда маълумотларни йиғиши кўрсатилиши шарт. Йиғилган маълумотни сифатини гарантловчи назорат механизмлари тасвирланиши шарт.

7. Маълумотлар таҳлили. Маълумотларнинг ўтказиладиган таҳлил тури (жадвал тўлдирилиш бир ёки кўп факторли таҳлили) ва натижа талқинининг характери тасвирланган бўлиши шарт.

8. Ҳисоботлар. Маркетолог оралиқ ҳисбботлар бериладими, қайси босқичда якуний ҳисббот қайси формада бўлади ва расмий презентация турлари хақидаги маълумотни кўрсатилиши шрт.

9. Ҳаражатлар ва вакт. Маркетинг тадқиқоти лойиҳаси ва уни бажаришнинг вақтинча графикаси босқичларга бўлинган тарзда ўтказилиши учун ҳаражатлар кўрсатилиши шарт. Критик йўллар усули ёки дастурни баҳолаш ва текширувни бажариш усули диаграммаларини ҳам қўшиш мумкин. Йирик лойиҳаларда маркетологлар ишининг баҳолаш графикаси ҳам олдиндан ишлаб чиқарилади.

10. Бу ерга тор доирада қизиқиш уйғатувчи хар қандай статистик бошқа маълумотлар кўшилади.

Тадқиқот ўтказиш таклифини тайёрлашнинг бир қанча афзал томонлари бор. У маркетолог тадқиқотчи ва компания раҳбарияти потенциал мижоз кутилаётган ишнинг характер ва миқдори хақида келишув борлигини гарантлайди. Таклифни тайёрлаш ўз ўзидан режалаштиришни назарда тутганлиги учун у тадқиқотчига маркетинг тадқиқоти лойиҳасини сифатли ишлаб чиқариш ва бажаришда ёрдам беради.”<sup>13</sup>

### **3.2. Маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш органлари**

XIX асрда кўпгина фирма ва корхоналар «кичкина» бўлиб, бу фирма ва корхоналарни хизматчилари ўз харидорларини шахсан билишган ва керакли хамда зарур бўлган маркетинг ахборотларини ўз харидорлари билан мулоқотда бўлиб, уларни маҳсулот харид қилиб олиш жараёнидаги хатти-харакатларини кузатиб, уларга корхона ва фирма учун қизиқарли бўлган хилма-хил саволлар бериш орқали маълумотларни йиғиб боришган.

Кейинги йилларда қуйидаги учта тенденцияни кучайиши натижасида маркетинг ахборотларни янада сифатли ва кенгроқ миқёсда тўплашга имкон яратилди.


1. *Махаллий даражадаги маркетингдан умумий маркетинг миқёсига ўтиши.* Фирма ва корхоналар доимо ўз бозорлари худудини кенгайтириб боришлари сабабли, уларни бошқарувчилари ўз харидорларини хаммасини ҳам шахсан таниши қийинлашиб боради. Шунинг учун маркетинг ахборотларни тўплашни,

<sup>13</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2012, p. 39-42.

тартибга солишини, кейинги маркетинг тадқиқотлари учун зарур бўладиган маълумотлар доирасини аниқлашни янги йўлларини топиш талаб этилади.

**2. Истеъмолчилар заруриятидан истеъмолчилар талабига ўтиши.** Истеъмолчилар даромадларининг ортиб бориши натижасида улар товар ва хизматларни танлаш чоғида синчков бўладики, бундай пайтларда истеъмолчиларни хатти-харакатларини оддиндан айтиб бериш мезонларини топиш талаб этилади. Истеъмолчи талаби сабабларини ўрганиш қондирилмаган эҳтиёж ва заруриятларни аниқлаш, товар ва хизматларни тури, сифати ва миқдорига кўра хар ҳил талаб қўядиган истеъмолчиларни гурухларга (сегментларга) ажратиш хамда хар ҳил сегмент доирасида алоҳида, ўзига хос бўлган талабни маркетинг тадқиқотлари орқали топишга харакат қилинади.

**3. Нархлар билан рақобат қилиши ўрнига нархсиз рақобат қилишига ўтиши.** Фан ва техника ютуқлари туфайли рақобатнинг нарх билан боғлиқ бўлмаган усулларидан фойдаланишнинг қулай шароитларини юзага келтирмоқдаки, нархсиз рақобатда товарнинг нархи эмас, балки унинг юқори сифати, замоновий дизайнни, сервис хизмати, товар ёки хизмат таклиф этаётган корхона ёки фирма шухрати, реклама, савдо-сотиқни рағбатлантириш рақобат курашининг асосий омилига айланади.



**3.2.1-расм. Маркетинг тадқиқотларини олиб боришнинг умумий тизими**

### **3.3.Маркетинг тадқиқотларини амалга оширишнинг техника ва технологияси**

**“Мустақил ўзгарувчанлар** тадқиқотчини манипуляция қилувчи (яъни уларинг таъсир даражаси тадқиқотчини йўналтирилиши мумкин ва таъсир (эффект) унинг таъсири натижасида ўлчам ва таққослашга таъсир қилувчи ўзгарувчан омилларни билдиради. Ушбу ўзгарувчан омил шароитларига нарх, қадоқ дизайнни ва рекламанинг тематикалари киради.

**Кузатув бирликларига** мустақил омиллар жараёнини ўрганилувчи инсонлар, корхона ёки бошқа объектлар киради. Кузатув бирликларига истеъмолчилар, дўкон ва географик зоналар киради.

**Мустақил бўлмаган ўзгарувчанлар**, булар ўзгарувчанлар бўлиб, улар кузатув бирликлари бўлиб, мустақил ўзгарувчанларга бўлган таъсирини кўрсатиб беради.

**Ташқи ўзгарувчанлар** (омиллар) кузатув бирлиги рекциясига таъсир кўрсатувчи мустақил ўзгарувчанлардан ташқари бошқа хамма омиллар ҳисобланади. Бу омиллар мустақил бўлмаган ўзгарувчанларга нотўғри таъсир кўрсатиб, эксперимент натижаси қисман ёки бутунлай тўғрилигига олиб келади. Ташқи омилларга магазин савдо майдони, унинг жойлашган ўрни, харидорлар оқими тезлиги, кундалик сиёsat тегишли бўлиши мумкин.

**Эксперимент** ўтказиш деганда бир ёки бир қанча мустақил бўлмаган ўзгарувчанлар, ташқи омиллар таъсиридан ташқари, тадқиқотчи бошқараётган жараён ўзгариши тушунилади.

**Эксперимент ўтказиш** деганда экспериментал жараён комплексини билдиради:

1. Кузатув бирликлари ва уларнинг биржинсли кичик гурухлар бўлиш;
2. Мустақил ўзгарувчанлар;
3. Мустақил бўлмаган ўзгарувчанлар;
4. Ташқи омиллар таъсирини рад қилиш усули.

#### **МАХСУС КЎРСАТКИЧ**

Маркетинг тадқиқотларда умум қабул қилинган таашқи омил ва эксперимент услубияти хақидаги материални таърифини осонлаштириш учун бир қанча кўрсаткичларни киритамиш:

X – бир қанча натижаси белгиланиши шарт бўлган мустақил ўзгарувчанлар гурухи бирлиги кузатувига таъсири (шарт, воқеа)

O – кузатув бирлиги ёки унинг гурухлари учун мустақил бўлмаган ўзгарувчанлар кузатуви жараёни ёки ўзгариши.

R – кузатув бирлигининг тасодифий бўлинини ёки алоҳида танланмалар бўйича уларнинг гурухлаштириши.

Бундан ташқари қўйидаги қойидалар ўрнатилади:

- чапдан ўнгга ҳаракат вақт бўйлаб ҳаракатни билдиради.

- Белгиларнинг горизонтал жойлашуви уларнинг битта танланмага тегишли эканлигини билдиради.

- Белгиларнинг вертикал жойлашуви улар бир вақтнинг ўзида рўй берадиган ходималар ва жараёнларга тегишли эканлигини билдиради.

Масалан, белгиларнинг қуидаги жойлашуви ушбу кузатув гурухи бирлиги мустақил омил (Х таъсирига берилган ва унга реакцияси икки вақт даврида ўлчангандай – О1 ва О2).

## **ЭКСПЕРИМЕНТНИНГ АСОСЛАНГАНЛИГИ**

Эксперимент ўтказилишида тадқиқотчи ўз олдига икки мақсадни таҳлил этилаётган кузатув бирлиги йифиндисига мустақил ўзгарувчан таъсири тўғрисида хаққоний хulosалар олиш ва бу асосда бутун умумий йифиндига тегишли хаққоний хulosы чиқаришга тегишли. Биринчи мақсад ички асосланганлик тушунчаси билан боғлиқ бўлса иккинчиси ташқи асосланганлик тушунчаси билан боғлиқ бўлади.

## **ИЧКИ АСОСЛАНГАНЛИК**

Ички асосланганлик мустақил ўзгарувчан ўзгариши мустақил бўлмаган ўзгарувчани ўзгариши хақиқатдан хам сезиларли даражада кузатилганлиги билан аниқланади. Шундай қилиб, ички асосланганлик кузатилаётган мустақил бўлмаган омиллар ўзгариши мустақил омиллардан бошқа қандайдир омиллар натижасида рўй берганлиги билан аниқланади. Агар кузатилаётган ўзгариш ташқи омил орқали рўй берган ёки ўзгарган бўлса, мустақил ва мустақил бўлмаганлар ўртасида сабаб оқибат алоқаси мавжудлиги хақида тўғри хulosы чиқариш қийин. Ички асосланганлик тўғри хulosалар олиш учун рўй бериши шарт бўлган экспериментга кичик талаб бўлиб хизмат қиласди. Бу талабга риоя қилмаслик эксперимент натижаси тўғри деб ҳисоблаш мумкин эмаслигига олиб келади. Ўз навбатида ташқи омиллар назорати экспериментнинг ички асослиги тан олинишининг сўзсиз шартидир.

## **ТАШҚИ АСОСЛАНГАНЛИК**

Ташқи асосланганлик эксперимент жараёнида сабаб оқибат алоқаси ажralишининг умумлашган имкониятлари билан боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда эксперимент асосида қилинган хulosаларни кенг доира элементларига тарқатиш мумкинлиги ва агар мумкин бўлса қайси аҳоли қатлами йифиндиси, вақти, мустақил ва мустақил бўлмаган ўзгарувчанларга тегишлилиги хақида хulosалар. Эксперимент ўтказиш шарти хақиқий асосли омилларни қамраб олмагандага эксперимент ташқи асослиги бузулиши хавфи келиб чиқади.

Эксперимент ички ва ташқи асослигини таъминловчи ўтказиш режасини мавжудлиги аҳамиятга эга. Лекин амалий маркетинг тадқиқотларида одатда бир талабдан иккинчисига эришиш учун четга чиқишига тўғри келади. Ташқи омиллар назоратини таъминлаш учун тадқиқотчи яратилган (лаборатория шароитларида) эксперимент ўтказишига тўғри келади. Бу ички асосликни таъминлаш имконини

беради. Лекин шу билан қаторда ташқа асосликни бузиб натижалар умумлашиш имкониятини чеклайди.

Мисол сифатида тез хизмат күрсатувчи ресторон истеъмолчилари муносабатини жихозланган тест марказларида ўтказилувчи менюдаги янги овқатларни афзал кўришларида келтириш мумкин. Бундай шароитларда натижаларни хақиқий ресторанларга таққослаш мумкинми? Ташқи асосликни бундай қоидабузарликларга қарамасдан эксперементнинг ташқи асолангандиги бузилган бўлса, унинг натижаларини умумлаштираслик керак. Ташқи асослангандикни бузувчи омиллар ичики асослангандикни хам бузиши мумкин. Улардан энг асосийлари ташқи омиллардир.

## **ТАШҚИ ОМИЛЛАР**

Эксперемент натижасининг ички ва ташқи асослигига эришиш ташқи омилларнинг назорати шартлиги мухокама қилинган эди. Бу бўлимда қуйидаги ташқи омиллар кўриб чиқилади: тарихий, етук, тест самараси, жихозлаш, статистик регрессия, танланма чекланиш ва харажат.”<sup>14</sup>

### **Назорат саволлари:**

1. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ташкил этиш босқичлари қандай?
2. Маркетинг тадқиқотларида бозор фаолияти билан боғликликнинг моҳияти нимада?
3. Маълумотлар йигиш бўйича тадқиқотлар режаси қандай тузилади?
4. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш усуллари нималардан иборат?
5. Маркетинг тадқиқотлари жароёни қандай босқичлардан иборат?
6. Маркетинг тадқиқотларининг таркиби.
7. Маркетинг ахборот тизимишининг моҳияти ва аҳамияти.
8. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишни ташкил этиш .
9. Маркетинг тадқиқотларини ўтказувчиларга қўйиладиган талаблар.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Махсус адабиётлар**

1. IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010.
2. Scott M. Smith,Gerald S. Albaum. Basic Marketing Research: Volume 1,2 handbook for research professionals. Qualtrics Labs, Inc.,US. 2012
3. Sue Greener. Business research methods. Ventus Publishing, US. 2010
4. Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2014
5. Zufarova N. Branding. T.: TSUE. 2014.

---

<sup>14</sup> Naresh K. Malhotra, David F. Birks, Marketing Research An Applied Approach, Third European Edition, Pearson Education Limited, 2012, p. 159-162.

## 4- мавзуу: Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими

Режа:

**4.1. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари.**

**4.2. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.**

**4.3. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш.**

**Таянч иборалар:** Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари. Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими (MAT). Ташиқи ва ички ахборот олиш манбалари. Ахборотларнинг даврийлиги. Интеллектуал тизим. Ижтимоий-иқтисодий ахборотлар. Шахсий интервью. Гурухли интервью. Рақобатчилар фаолияти түгрисидаги маълумотлар. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш. Ахборотларни узатиш.

**4.1. Маркетинг тадқиқотларида ахборотларнинг аҳамияти ва уларнинг манбалари.**


**“DETERMINANTS OF DEMAND) Талаб ифодалари**



**Аҳоли:** Талабга таъсир кўрсатувчи демографик характерлар булар миқдор, баҳонинг ўсиши, ёки шунга ўхшаш турли категориялар орқали аҳолининг истеъмоли. Бир марталик кирим хатто маданий ва этник йўналиш ва томонлар дискрецион сотувга катта таъсир кўрсата олади. Ишчи қатлам ўз регионларидағи нишондаги бозорнинг талаби- юқори ишсизликка, хатто у мўлжалдаги харидорларга тўғридан тўғри таъсир кўрсатмаса ҳам талабга оўроқ бўлса ҳам таъсир кўрсатади.<sup>15</sup>

**(DEMAND-SUPPLY RELATIONSHIP) Талаб- таклиф алоқаси**

Хозирги таклиф вазиятини тушуниш бозорда таклиф этилган маҳсулотни аниқ истеъмолини баҳолаш учун кераклиdir.



**Ички таклиф:** Берилган регион ёки мамлакатда, маҳсулотнинг доимий таклифи маҳаллий ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори ва импорт - бу истеъмол учун аниқ етарли бўлган миқдоридир. Статистик маълумотдан фойдаланганда импорт қилинган маҳсулот проект маҳсулоти билан хақиқатдан ҳам бир хил

<sup>15</sup>


IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010, p. 14-15.

эканлигига ишонч хосил қилиш керак. Кўпинча бу маълумот жамланади ва тўғридан тўғри проект маҳсулот билан боғлана олинмайди. Бошқача огоҳлантириш эса бу маҳсулот зиёнлари - кафиллик хизмати ва тарқатиш йўлларида маҳсулотнинг зиёнини ҳисоблашга харакат қилиш. Маълумотнинг тўғрилиги эса бошқа масала.

**Ички талаб (аниқ истеъмол):** Агар статистик маълумот талаб баҳоси учун асос бўлса, алоқа қўрсатилгандек. Аниқ истеъмол олинган статистик маълумотларга асосланади. Баъзи таклифлар (юқорида кўрилгандек) экспорт ва янги ўзгаришлар учун фойдаланилади.

$$\text{APPARENT CONSUMPTION} = \text{SUPPLY} - (\text{EXPORTS} + \text{INCREASE IN INVENTORIES})$$

### (DEMAND-SUPPLY EQUILIBRIUM) Талаб ва таклиф тенглиги



Самарали бозорларда айниқса маълумот bemalol oқib kирадиган ва сотувчи ва сотиб оловчилар кириши тўсқинлик ва босим бўлмаган бозорларда талаб ва таклиф алоқалари тенглиги кўрилади.

Умуман талаб нарх ошиши билан тушади, чунки нарх ошганда. Сотиб олиш истаги ва имконияти бўлган харидорлар камаяди. Таъминотчилар нарх ошганда кўпроқ ишлаб чиқаришга мойил бўлишади.”<sup>16</sup>

### 4.2 Маркетинг тадқиқотларида ахборотлар тизими.

Маркетинг ахборот тизими (МАТ) маркетингли режалаштиришни тақомиллаштириш, маркетинг тадбирларини амалга ошириш ва тадбирлар ижроси устидан назорат мақсадларида фойдаланиш юзасидан аниқ қарорлар қабул қилиш учун замон ва маконда ахборотларни йифиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва тарқатиш юзасидан узлуксиз ва ўзаро боғлиқ кишилар, асбобускуналар ва жараёнлар йигиндисидир.

Маркетингни бошқариш ишини амалга оширишда бизнинг билимларимизни кўпайтирадиган маълумот ва ахборотларнинг барча турлари (оғзаки, ёзма, чизмакашлик ахбороти ва хоказо) ахборотга керади. Булар янги машиналар, янги технологик жараёнлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, товарларни сотиш, рақобатдошлар, уларнинг холати, келажаги ва хоказолар тўғрисидаги ахборотлардир. Хар бир корхона, ташкилот ёки маркетинг бўлими, гурухлигидан

<sup>16</sup> IPPA. Market Analysis and Marketing. Vienna, Austria. 2010, p. 16.

қатъий назар ахборотнинг статистика, оператив, режа-иқтисодий, бухгалтерия ахборотларини, молиявий ахборот, моддий техника таъминотига оид ахборот, кадрларга оид ахборот, технология, конструкторлик, справка каби турлари бўлади. Ахборотни олиш манбаларига кўра ички ва ташқи ахборотга бўлиш мумкин.

Ахборот доимийлиги хусусиятига кўра:

1) шартли-доимий (справка-норматив) ахборот, яъни нисбатан камдан-кам ўзгарувчан ахборотга (нормалар, бахо, режа кўрсаткичлари);

2) ишлаб чиқаришда юз бераётган жараёнлар динамизмини акс эттирувчи ўзгарувчан ахборотга бўлинади. Ахборотнинг бу турлари даслабки ахборотлар деб аталади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш ахборотлари тафовут қилинади. Бу ахборот шартли-доимий ва ўзгарувчан ахборотни қайта ишлаш натижасида олинади ва бошқарув тўғрисида қарор қабул қилиш учун анча яхши ишланган ахборот ҳисобланади.

Шунинг учун ахборот аниқ фойдаланувчига мўлжалланган бўлиши лозим. Шу мақсадда МАТни етказиб берувчилар уни жорий қилгунга қадар қўйидагиларни аниқлаб олишлари зарур:

- ❖ доимий равишда қандай қарор турлари қабул қилинаяпти;
- ❖ қарорлар қабул қилиш учун қандай ахборот турлари керак;
- ❖ доимий равишда қандай ахборот турлари келиб тушаяпти;
- ❖ хозирги вақтда келиб тушмаётган ахборотлардан қайси бирини келажакда олиш зарур;
- ❖ хар куни, хар хафтада, хар ойда ва хар йилда қандай ахборотларга зарурият бор;
- ❖ қандай журналлар, газеталар, савдо таҳлиллари ёки бошқа ахборот манбаларидан доимий равишда фойдаланмоқ зарур;
- ❖ ахборотларда қандай махсус мавзулар ўз аксини топмоғи зарур;
- ❖ ўрганиш учун қайси бир ҳисобот аналитик дастурлардан фойдаланиш мумкин;
- ❖ мавжуд МАТИни такомиллаштириш юзасидан энг муҳим тадбирларни айтмоқ.

Аниқ ахборотга, шу жумладан айнан ўзи хохлаган ахборотга эга бўлган бошқарувчи бир хил шароитларда бошқаларга нисбатан тўғри ва фойдали қарорлар қабул қилишда устунликка эга бўлади. Шунинг учун МАТИни режалаштирувчилар бошқарувчида у ёки бу ахборот мавжудлигини аниқлабгина қолмасдан, уни у ёки бу ахборотга қараб тўғри мўлжал олишга ундашга хам харакат қилишлари зарур. Айтайлик, савол туғилади: бошқарувчи реклама бюджети хажмини аниқлашда, ассортимент бўйича қарорлар қабул қилиш учун нималарни билиши керак? Шу нарса маълум бўладики, бошқарувчи бозорнинг тўйиниш даражаси, рекламанинг мавжуд эмаслиги шароитида сотишнинг пасайиш даражаси, рақобатчиларнинг режалари хақидаги ахборотларга

мухтождир. Худди шундай ахборотларни МАТ орқали бошқариш соҳасида қарорлар қабул қилиш учун режалаштириш олиш зарурдир.

#### **4.3. Ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва тадқиқот учун тайёрлаш.**

Маълумотлар нихоятда хилма-хил ва улар маркетингни бошқаришда алоҳида аҳамиятга эга. Уларни йиғиш сермашаққат, кўпдан-кўп мутахассис ва техник воситалардан фойдаланиш орқали амалга оширилганлиги туфайли, уларни йиғиш доимо қимматга тушади. Лекин қўйилган мақсадга эришиш учун бу фаолият жуда зарурдир. Бу маълумотларни харидорлар, воситачилар, сотувчилар ва рақобатчилар ўртасида турли сўровлар, интервюлар ўтказиш йўли билан олинади. Бирламчи маълумотларни йиғишнинг бир неча усуллари мавжуд: кузатиш, обзорлар тайёрлаш ва эксперимент.

Кузатиш усулини қўллаб тадқиқотчи, харидорлар ва сотувчилар атрофида ўралашиб, уни қизиқтирган товарга бўлган талабнинг ўзгариши хақида маълумотларни йиғиш мумкин. Худди шу йўл билан рақобатчилар товари тўғрисида хам маълумот йиғиш мумкин.

Обзорлар тайёрлашда янги товарлар тасниfini яратишда, реклама матнларини тузишида, реклама қилишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланилганда, сотишни рағбатлантириш тадбирларига тайёргарлик кўришда, товар харакати каналларини тадқиқ қилиш ва бошқалардан фойдаланиш муҳимдир. Бу усул кузатиш ва эксперимент оралиғида турувчи усулдир.

Эксперимент ёрдамида тадқиқ қилинаётган нарсани қандайдир омиллари ва уларнинг ўзгаришига бўлган таъсирини аниқланади. Бу усулнинг мақсади ишчи гипотезаларини инкор этишдир. Маълумотлар йиғишни бу усули савдо персоналини тайёрлашнинг яхши усулини аниқлашда, баҳолар даражасини аниқлаш каби маркетинг муоммоларини ўрганишда қўлланилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Республикаизда ахборотлардан фойдаланиш эркинлигини таъминловчи қонунларни биласизми?
2. Ахборот ресурсларининг бошқа иқтисодий ресурслар орасида тутган аҳамияти нималардан иборат?
3. Нима учун XXI аср ахборотлар асри деб аталмоқда?
